Ўзбекистон Республикасининг “Метрология тўғрисида”ги Қонунининг *(ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш)* **тартибга солиш таъсирини баҳолаш бўйича**

ҲИСОБОТ

1.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тури, номи ва реквизитлари	Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 7 апрелдаги “Метрология тўғрисида”ги Қонуни
2.	ТСТБни ўтказувчи давлат органи ёки ташкилоти	Адлия вазирлиги ҳузуридаги Қонунчиликни таҳлил қилиш ва тартибга солиш таъсирини баҳолаш институти
3.	Ваколатли органларнинг хулосалари олинганлиги	Белгиланган тартибда ва муддатларда олинади.
4.	Сана	01.06.2026 й.

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижалари

5.	**Хулоса** ТСТБдан ўтказиш натижалари бўйича мазкур ҳужжатдаги тартибга солиш усулларининг амал қилиши қисман мақсадга мувофиқ, аммо уларга қўшимча киритиш зарурияти мавжуд. Шу боис, қуйидаги тартибга солиш усулидан фойдаланиш таклиф этилади: 1. Амалдаги “Метрология тўғрисида”ги Қонунининг “Махсус ваколатли давлат органининг метрологияга оид фаолият соҳасидаги ваколатлари” номли 9-моддасига қўшимча ваколат сифатида ўлчаш воситаларини қиёслаш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг реестрини юритиш ҳамда улар фаолиятини мониторинг қилишга оид норма киритиш; 2. Истеъмолчилар ҳуқуқини нотўғри ўлчаш натижаларидан ҳимоя қилиш ҳамда ўлчаш воситаларининг қонунчиликда белгиланган муддатларда метрология текширувидан ўтказилишини таъминлаш мақсадида “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг “Метрология қоидаларини бузиш” номли 213-моддасида белгиланган жарималар миқдорини қайта кўриб чиқиш лозим.

6.	**Ҳужжатнинг таъсир доираси** **I.** Тартибга солиш усули таъсир кўрсатаётган **объектлар**: 1. Корхона ва ташкилотлар томонидан ўлчашларни амалга оширишда фойдаланиладиган, қиёсланиши лозим бўлган ўлчаш воситалари амалдаги “Метрология тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасида метрология текшируви татбиқ этиладиган соҳалар сифатида 23 та соҳа қайд этилган. Мазкур соҳаларда фойдаланишда бўлган 289 та номдаги ўлчаш воситаси Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директорининг 2025 йил 7 январдаги 78-сон буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 10.02.2025

	йилда рўйхатдан ўтган, рўйхат рақами 3606) асосида даврий қиёслашдан ўтказилиши лозим. “Метрология тўғрисида”ги Қонунининг 11 ва 12-моддаларига мувофиқ ўлчаш воситаларини қиёслаш Ўзбекистон миллий метрология институти, Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларининг ҳамда юридик шахслар метрология хизматлари томонидан аккредитациядан ўтган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон миллий метрология институти давлат муассасаси томонидан ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш нархи ўтказилган **хронометраж** (одам/соат) асосида белгиланган. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг метрология хизматлари ўзи томонидан фойдаланишда бўлган ўлчаш воситаларини **бепул асосида** қиёслашдан ўтказади. Қиёслаш фаолияти билан шуғулланувчи хусусий сектор томонидан ўлчаш воситаларини қиёслаш нархи ихтиёрий равишда, буюртмачи ва ижрчи ўртасида тузиладиган **шартномаларда белгиланади**. 7. Таъсир **чоралар**и; *Маъмурий жавобгарлик:* *фуқароларга БҲМнинг иккидан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса — бир бараваридан уч бараваригача;* *такрор содир этилган бўлса, — фуқароларга БҲМнинг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима.* **II.** Тартибга солиш усули таъсир кўрсатаётган **субъектлар**: 1. “Ўзбекистон миллий метрология институти” давлат муассаси *(қиёслашдан ўтказиш);* 2. Ўлчаш воситасини қиёслашдан ўтказишга аккредитациядан ўтган юридик шахсларнинг метрология хизматлари *(қиёслашдан ўтказиш)*; 3. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органларининг метрология хизматларига тегишли бўлган қиёслаш лабораториялари *(қиёслашдан ўтказиш)*; 4. Аккредитация маркази *(қиёслаш учун аккредитация доирасини белгилаш)*; 5. Ўлчаш воситаларидан фойдаланувчи корхона ва ташкилотлар *(буюртмачилар)*.

7.	**Ҳужжатнинг натижадорлиги ва самарадорлиги** “Метрология тўғрисида”ги Қонунга ўлчаш воситаларини қиёслашга оид нормаларнинг киритилишида 2 та асосий мақсад кўзланган. Биринчиси, ўлчаш воситаларини қиёслашнинг қонуний асосларининг мавжудлиги, қиёслаш фаолияти бўйича давлат назоратини амалга оширишнинг асосини белгилаш.

Биринчи ва иккинчи мақсадларга қисман эришилган (белгиланиши лозим қонуний асослар ўрнатилган).

Нотўғри ўлчашларни оқибатлари юзасидан маълумотлар

Ўзбекистон Республикаси санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ аҳоли турар жойларида атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддалар белгиланган нормаларга нисбатан ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида уларнинг чегаравий жоиз концентрациялари назорат қилиб борилади.

***Маълумот учун**: 0293-11-сонли ЎзР СанҚваНга мувофиқ атмосфера ҳавосидаги чегаравий жоиз концентрациялари: азот икки оксиди 0,085 mg/m^3, аммиак 0,2 mg/m^3, аммоний хлорид 0,2 mg/m^3, алюминий фторид 0,1 mg/m^3 дан ошмаслиги керак.*

Ушбу газларнинг ўлчашлар хатолиги 1 % дан 10 % гача бўлган, маълум компонентлар газоанализатори ёрдамида ўлчанади. Ишончли бўлмаган ўлчаш натижалари инсон ҳаётига, соғлигига ва атроф-муҳитга зарар етказиши мумкин.

O’z DSt 8.022 “Ҳар қандай турдаги ўрамларга қадоқланган товарларнинг миқдорига қўйиладиган умумий метрологик талаблар ва уларнинг мувофиқлиги устидан давлат метрологик текшируви ва назоратини амалга ошириш тартиби” давлат стандартига мувофиқ, бир хил номинал миқдори **1 kg** гача бўлган тайёр ўрамлар учун жоиз салбий оғиш **15 g** ни ташкил этади. Мисол учун, шакар **1 kg** дан салбий оғиш **25 g** билан қадоқланган бўлса, **10 тонна** шакар қадоқлаб сотилиши натижасида истеъмолчи кўрадиган зарар тахминан **1 300 000** сўмни ***(100 kg)*** ташкил этади (1 kg шакар нархи = 13 000 сўм ҳисобидан).

Колбаса маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун стандарт талабларига мувофиқ азот нитратининг ($NaNO_3$) масса улуши **1 g/100 kg** дан ошмаслиги керак. Ушбу параметр ўлчашлар хатолиги **5 %** гача қийматни ташкил этадиган нитрат ўлчагич билан ўлчанади. Ушбу қийматнинг ошиб кетиши колбаса маҳсулотлари таркибидаги азот нитратининг масса улуши ошиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида инсон соғлигига жиддий зарар етказади.

Инсоннинг артериал босимини ўлчаш учун, жоиз хатолиги ГОСТ 31515 “Ноинвазив сфигмоманометрлар (артериал босим ўлчагичлари)”га мувофиқ **± 3 mm Hg** дан ошмаслиги керак бўлган тонометрлар қўлланади. Тонометр ёрдамида олинган ишончли бўлмаган ўлчаш натижалари нотўғри ташхис қўйилишига олиб келади. Бу ўз навбатида беморнинг нотўғри даволанишига олиб келади.

	Ўлчаш воситаларининг қиёслашдан ўтказилиш бўйича давлат метрология назоратининг самарадорлик ҳолати 2022 йилда 289 та тадбиркорлик субъектларидаги мавжуд (14 331 та) ўлчаш воситаларининг 60 фоизи, 2023 йилда 56 фоизи, 2024 йилда 1-чорагида 55 фоизи қиёслашдан ўтказилмаган. Маълумки, метрологик текширувдан ўтмаган ёки яроқсиз ўлчаш воситаларидан фойдаланиш нафақат маҳсулот сифати ва хавфсизлигига балки, экспортга чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги, экологик барқарорлигига ўзининг бевосита салбий таъсирини кўрсатади. Халқаро тажрибани ўрганиш натижалари носоз ўлчаш воситаларидан фойдаланиш, шунингдек, белгиланган тартибда метрологик текширувдан ўтказилмаган ўлчаш воситаларининг қўлланиши бўйича маъмурий жарималар миқдорининг миллий қонунчилигимизда белгиланган миқдорга нисбатан анча юқорилигини кўрсатмоқда. Жумладан: Россия Федерациясида – 50 000 рублдан 100 000 рублгача (550 дан 1 080 АҚШ долларигача); Беларусь Республикасида – ўттиз базавий ўлчамдан беш юзта базавий ўлчамгача (366 дан 6 110 АҚШ долларигача); Қозоғистон Республикасида – ўттиз ойлик ҳисоб кўрсаткичидан икки минг ойлик ҳисоб кўрсаткичигача (267 дан 16 600 АҚШ долларигача); Армения Республикасида – энг кам иш ҳақининг юз бароваридан уч юз бароваригача (19 500 дан 58 500 АҚШ долларигача). Ушбу турдаги ҳуқуқбузарлик учун мамлакатимизда белгиланган жарима миқдори бугунги кунда 170 000 минг сўмдан 1 700 000 сўм (13,5 дан 135 АҚШ долларгача) ни ташкил этмоқда. Бу ўз навбатида ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ва савдо қилувчи субъектлар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг хавфсизлиги ва сифатига бўлган эътиборнинг талаб даражасида бўлмаслигига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади.

8.	**Ҳужжатнинг ижобий ва салбий оқибатлари** **Салбий:** 1. Ўлчаш воситаларини қиёслашдан ўтказиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар реестрининг юритилмаслиги; ***Маълумот учун:*** *Бугунги кунда мамлакатимизда қанча ўлчаш воситаларининг қиёслашдан ўтказилганлиги, қайси корхоналар томонидан қанча ўлчаш воситаларининг ишлатилаётганлиги, ўлчаш воситаларининг ҳудудлар бўйича тақсимланиш ҳолати тўғрисида аниқ маълумотнинг йўқлиги "Метрология тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида махсус ваколатли давлат органининг метрологияга оид фаолият соҳасидаги ваколатларида белгиланган метрологияга оид фаолият соҳасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш вазифасини тўлиқ амалга оширишнинг имконини бермаяпти.*

	2. Фойдаланишдаги ўлчаш воситаларининг ўз вақтида ўтказилмасдан қолиши оқибатида истеъмолчилар ҳуқуқининг тўлиқ таъминланмаслиги. ***Маълумот учун:*** *Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги Кодексининг метрология қоидаларини бузишга оид 213-моддасида келтирилган жазо чораларининг камлиги (фуқароларга – 206 минг сўмдан 412 минг сўмгача; мансабдор шахсларга – 412 минг сўмдан 1 млн 236 минг сўмгача) туфайли ўлчаш воситаларининг белгиланган даврийликда қиёслашдан ўтказилмасдан қолиши ҳолатларига олиб келмоқда. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ўлчашлар натижаларининг тўғрилиги юзасидан тўлиқ таъминлаш имконини бермаяпти.* **Ижобий:** Қиёслаш фаолиятини амалга ошириш бўйича қонуний асослар мавжуд.

Мазкур ҳисоботнинг тўғрилиги ва маълумотларнинг ишончлилигини тасдиқлайман.

Давлат органи (ташкилоти) раҳбари *(имзо)* *(Ф.И.О.)*

Тартибга солиш таъсирини баҳолаш натижаларига оид
МАЪЛУМОТЛАР

1. Тартибга солиш усулининг таъсир доираси

“Ўзбекистон миллий метрология институти” ДМ *(қиёслаш лабораториялари сони -22 та, шундан ҳудудий филиалларда – 16 та)* томонидан охирги **3 йил** давомида қиёслашдан ўтказилган ўлчаш воситаларининг ҳудудлар кесимидаги тақсимоти қуйидагича:

№	Ҳудуд *(Филиал номи)*	2023 йил	2024 йил	2025 йил
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	21 549	22 792	22 741
2.	Андижон	27 187	25 182	25 648
3.	Бухоро	29 843	29 920	32 207
4.	Жиззах	21 377	24 882	22 372
5.	Қашқадарё	37 851	47 966	45 980
6.	Навоий	31 132	29 371	27 373
7.	Наманган	31 461	33 539	33 490
8.	Қўқон	24 684	32 364	25 185
9.	Бекобод	8 579	6 602	8 040
10.	Олмалиқ	23 183	20 292	20 064
11.	Самарқанд	30 549	34 076	34 270
12.	Сурхондарё	52 956	61 229	53 400
13.	Сирдарё	19 612	19 030	18 564
14.	Фарғона	27 988	25 505	26 107
15.	Хоразм	24 004	25 134	22 457
16.	Чирчиқ	15 935	14 070	13 181
17.	Тошкент	253 454	150 296	154 661

Мазкур ўлчаш воситалари 2026 йилга қадар Ўзбекистон миллий метрология институти (кейинги ўринларда - Институт) томонидан ишлаб чиқилган “E-metrologiya” электрон платформасида амалга ошириб келинган бўлиб, метрология текшируви тўғрисидаги маълумотлар фақат Институтга тегишли ҳисобланади.

Қонуннинг 8-моддасида қайд этилган республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари метрология хизматларидан, шунингдек, республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган юридик шахсларнинг метрология хизматлари томонидан амалга оширилган метрология текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд эмас.

Метрология текширувини амалга оширувчи субъектлар тўғрисида маълумотлар https://akkred.uz/uz/reestr да берилган бўлиб, унда фақат метрология лабораторияларининг аккредитация доираси, ушбу хизматларнинг ўз фаолиятини тўхтатганлиги, тугатилганлиги ҳамда бугунги кунда фаоллиги юзасидан маълумотлар киритилган.

Т/р	Йил	Фаолиятини тугатган	Фаолияти тўхтаган	Фаолият олиб бормоқда
1.	2017			1
2.	2018			
3.	2019			2
4.	2020			
5.	2021		2	25
6.	2022	2	3	28
7.	2023	3	3	9
8.	2024		2	9
9.	2025		1	14
10.	2026			3
ЖАМИ		5	11	91

Жумладан:

2017 йил – **0 та** тугатилган, **0 та** тўхтатилган, **1 та** фаолият олиб бормоқда;

2019 йил – **0 та** тугатилган, **0 та** тўхтатилган, **2 та** фаолият олиб бормоқда;

2021 йил – **0 та** тугатилган, **2 та** тўхтатилган, **25 та** фаолият олиб бормоқда;

2022 йил – **2 та** тугатилган, **3 та** тўхтатилган, **28 та** фаолият олиб бормоқда;

2023 йил – **3 та** тугатилган, **3 та** тўхтатилган, **9 та** фаолият олиб бормоқда;

2024 йил – **0 та** тугатилган, **2 та** тўхтатилган, **9 та** фаолият олиб бормоқда;

2025 йил – **0 та** тугатилган, **1 та** тўхтатилган, **14 та** фаолият олиб бормоқда;

2026 йил – **0 та** тугатилган, **0 та** тўхтатилган, **3 та** фаолият олиб бормоқда.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда 91 та қиёслаш лабораториялари фаолият кўрсатаётган бўлса, шунда 22 та си Ўзбекистон миллий метрология институтига тегишли бўлиб, қолган 69 таси бошқа метрология хизматларига тегишли *(айнан қайси метрология хизматларига тегишли эканлиги номаълум).*

Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган юридик шахсларнинг метрология хизматлари томонидан амалга оширилган метрология текшируви натижалари тўғрисидаги маълумотлар ҳар бир лаборатория томонидан ишлаб чиқилган махусус тизим (электрон дастур ва б.) да акс эттириб борилади.

Ушбу маълумотларнинг йўқлиги туфайли мамлакатимизда қанча ўлчаш воситаларининг фойдаланишда эканлиги, уларнинг даврий текширувлардан ўз вақтида ўтказилиш ҳолати, қайси ҳудудларда қайси турдаги ўлчаш воситаларининг фойдаланилаётганлиги, тадбиркорлик субъектлари учун қандай турдаги ўлчаш воситаларини ишлаб чиқариш ёки бозорга олиб кириш заруриятининг мавжудлиги каби масалаларни аниқлаштиришнинг имконини бермаяпти.

2. Тартибга солиш усулининг ижобий ва салбий оқибатлари

I. Иқтисодий соҳага таъсир

1. Иқтисодий ривожланиш	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

2. Тадбиркорлик		
☑ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	Ўлчаш воситаларини қиёслаш фаолияти билан шуғулланувчи субъектлар ҳамда метрология текширув натижалари тўғрисида маълумотлар шакллантирилади.	☐ Таъсир қилмайди

3. Кичик ва ўрта тадбиркорлик	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

4. Давлат бюджети ва фискал сиёсат	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

5. Рақобат муҳити		
☑ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	Ўлчаш воситаларини қиёслаш фаолияти билан шуғулланувчилар ўртасида соғлом рақобат муҳити юзага келади.	☐ Таъсир қилмайди

6. Бандлик ва меҳнат бозори	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

II. Ижтимоий соҳага таъсир

7. Ижтимоий адолат ва гендер тенглик	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

8. Камбағаллик даражаси	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

9. Соғлиқни сақлаш ва озиқ-овқат		
☑ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	Беморларга тўғри ташхис қўйилиши таъминланади ҳамда истеъмол қилишга яроқсиз бўлган озиқ-овқатлар аниқланади.	☐ Таъсир қилмайди

III. Атроф-муҳитга таъсир

10. Табиий ресурслар	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

11. Ҳаво, сув ва тупроқ сифати	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

12. Биохилма-хиллик ва экотизимлар	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

13. Иқлим ўзгариши ва иссиқхона газлари чиқарилиши (эмиссияси)	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

14. Чиқиндиларни бошқариш	
☐ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	☑ Таъсир қилмайди

15. Инсон саломатлиги ва ҳаёт сифати		
☑ Ижобий таъсир ☐ Салбий таъсир	Инсон саломатлигини сақлаш бшйича тўғри чора-тадбирлар амалга оширилади.	☐ Таъсир қилмайди

3. Тартибга солиш усулининг самарадорлиги

3.1. Тартибга солиш усулининг самарадорлиги қуйидаги маълумотлар асосида ўрганилди:

а) Ўлчаш воситаларини қиёслаш фаолияти билан шуғулланувчи субъектларни аккредитациядан ўтиш ҳолати ;

Ўзбекистон миллий метрология институтидаги қиёслаш лабораториялари сони;

б) метрология қоидаларни бузиш бўйича миллий қонунчиликда белгиланган жарималар миқдорини ушбу йўналишда хорижий давлатларда белгиланган жарималар миқдори билан солиштириш;

в) Ўлчаш воситаларининг қиёслашдан ўтказилмаслик ҳолати оқибатларининг таҳлили;

г) Тартибга солиш усулининг самарадорлик кўрсаткичларига оид бошқа маълумотлар:

Ўлчаш воситаларини белгиланган муддатларда қиёслашдан ўтказиш маданияти, бугунги кунда қайси корхоналар томонидан фойдаланишда бўлган ўлчаш воситаларининг нечтаси қиёслашдан ўтказилганлик ҳолати, уларнинг давлат назорати нуқтаи назаридан самарадорлик ҳолатлари ўрганилмаган.

Шунингдек, жамоатчилик назорати тизими йўлга қуйилмаган.

3.2. Тартибга солиш усулининг самарадорлигини таҳлил қилишда қуйидаги методлардан фойдаланилди:

солиштирма таҳлил методи;

давлат назоратинининг самарадорлиги таҳлили.